

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

23 ДЕКАБР, № 51 — 52 (3287)

• СОТЎДА НАРХИ ЭРКИН



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

"ОЗОДЛИК"НИНГ ЭЪТИРОФИ

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда кечатган улкан ўзгаришларга тобора кенг эътибор бермоқда. "Озодлик" радиоси ҳам ўзининг деярли барча эшиттиришларида мамлакатимиз ҳаётига оид материалларга кенг жой ажратяпти. Бундай материаллар орасида нанкин Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мамлакатларида яшовчи радиотинловчиларнинг мактублари ҳам учрайди. Яқинда "Озодлик" радиоси қўшни Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилояти, Исфара шаҳри, Семашко кўчасидаги йўлда яшовчи Маннон Атласовнинг мактубини эшиттирди. Унда, жумладан, шундай дейилди:

"Афсуски, сизнинг баъзи эшиттиришларинида шундай таъкидлар борки, унга кўнчилик одамлар ишонмайди. Бу йўл билан сизлар одамларнинг ишончини қозона олмайсизлар. Сизлар Ўзбекистон масаласида гап тинганингизда унга бир томонлама ёнлашиб, фақат нуқсонлар ҳақида гапирасиз-у, яхши томонларига қамқор эътибор берасизлар. Мен сиёсат билан ҳам кизиқиб тураман. Тожикистонда яшасам ҳам, Ўзбекистон ҳаёти билан танишман. Очигини айтсам,

менга ва Тожикистонда яшайдиган халқларга Ислоҳ Каримов олиб бораётган давлат сиёсати жуда маъқул.

Тарих ўлчовида уч йил бурун мустақилликка эришган Ўзбекистонда қандай ўзгаришлар бўляпти? Бунга панжа орасидан қараб қараб эмас, Кўз юмиш ҳам керак эмас. Урта Осиё жумҳуриятлари ичда Ўзбекистон халқининг турмуш шариоати биринчи ўринда. Бу Ислоҳ Каримовнинг хизмати эмасми? Тожикистонга қараб, Демократия неқибон билан амал талашини йўлда ўз она Ватанини хонавайрон қилдилар. Батзилар ўз миллатдошларини ўлдириб, "миллат Кахрамони" бўдилар. Агар бизда ҳам Ислоҳ Каримовга ўхшаган шижоаткор раҳбар бўлганда эди, бу ноҳушиликлар юз бермасди. Сизлар Ислоҳ Каримовни қаттиққўл ва диктатор деб жаз соласизлар. Уйлаб кўринг ахир, от минган одамнинг қамчи бўлиши керак-ку. Бизнинг халқимиз бошқа халқлардан фарқ қилади. Менталитет деган тушунча ҳам бор. Демократия ҳам вақти билан юзага келади. Мустақиллик аста-секин-да, Мустақиллик ва демократия биз-

нинг орзумиз. Хар биримиз шу йўлда хизмат қилишимиз керак. Мустақиллик бу иқтисод демократия. Иқтисод эса меҳнат билан мустақамланади. Кўрпага қараб оек узатиш керак. Шу хусусида Ислоҳ Каримов сиёсатини бутун вужудим билан маъқуллаймак. Сизлардан илтимос, Ўзбекистон борасида сўз борганда, сиз ҳам четда турмай, Ислоҳ Каримовга ердан беринг. Сохта демократлар масоҳатига қўп ҳам учаверманг. Мен Ўзбекистон билан фахрланаман.

Яна бир илтимос, шу заминнинг сезимли фарзанди Ислоҳ Каримовни қўлаб-қуватлайлик".

"Озодлик" радиоси ушбу мактубини шарҳлар экан, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларда "И. Каримов хиссаси катта" эканлигини алоҳида таъкидлайди ва "Ўзбекистон хусусида тўғри ахборот бериш бизнинг асосий вазифамиз" деб қайт этди.

Фарбинг энг машҳур радиостанцияларидан биринини бу эътирофи мамлакатимизнинг халқро майдонда обрў-эътибори тобора ошиб бораётганини яна бир исботидир.

(Ў.А.)

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Маданий меросни тиклаш ва мақсадга мувофиқ ривожлантириш" дастури асосида тузилган шартнома имзоланди. Шартномада Ўзбекистондаги тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш, қайта тиклаш ҳамда Бухоро, Самарқанд, Хива сингари тарихий шаҳар-

ларда халқро туризмни ривожлантириш масалалари асос қилиб олинди.

Шартномани республика Маданият ишлари вазир Эркин Ҳайитбоев, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Холид Маллик имзолалар.

СУРАТДА: шартномани имзолаш пайти.



БИЗНИНГ ШАРХ

ТИНЧЛИК ҚАДРИ

Сўнги йилларда республикамиз иқтисодий катта ўзгаришлар юз берди. Қўлаб қўшма корхоналар, хусусий фирмалар қурилиб ишга туширилди. 1994 йилнинг ўзига хусусийлаштиришдан давлат хазинасига 300 миллион сўмдан зиёд пул тушди. Фаолият кўрсата бошлаган 1300 қўшма корхона шу йилнинг 9 ойи мобайнида 830 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Тошкентда Республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгашининг навбатдаги мажлисида шу ҳақда гап борди. Мажлисини Президент Ислоҳ Каримов бошқарди. У ўз сўзида ишбилармонлар ва тадбиркорлар диққатини уч муҳим масалаларга —

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказиш;

Иқтисодимиз таркибини кескин ўзгариштириш, яъни ҳомаёе эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш, унинг сифатини дунё бозори талабларига жавоб берадиган даражага етказиш;

Миллий пулнинг инфузсини янада мустақамлаш, унинг Америка доллари, немис маркиси, япон нени каби дунёдаги обрўли валюталар билан эркин алмашувида эришмоқ лозимлигига қаратиш.

Оқорда келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, жумҳуриятимиз иқтисодий катта сезиларли ютуқларга эришмоқда. Чет элликларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ҳам ортиб бормоқда. Бунинг сабаби республикамизда тинчлик барқарорлигидир. Афсуски МДХнинг барча регионларида ҳам тинчлик ҳукмрон деб бўлмайди.

Бир неча йилдирки, Кавказда қон тўқилляпти. Аввал Озарбайжон ва Арманистон, сўнгра Грузия ва Абхазия ўртасида чиққан уруш туфайли минглаб одамлар қурбон бўлди. Энди эса жанг майдонини Шимолий Кавказга кўчи.

Россия ва Чеченiston ўртасида бошланган уруш бутун барчани ташвишлантирмоқда. Россия ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг берган хабарларига қараганда, Россия армияси Чеченiston пойтахти Грознийни ўраб турибди. Шаҳарга қирадиган барча йўллар қаттиқ назорат қилинмоқда. Рус харбий самолётлари Чеченiston харбий қўшулари жойлашган районларни бомбардимон қилмоқда. Ж. Дулаев тарафдорлари эса пойтахтни химоя қилиш учун мудофаа линиялари ташкил қилиб хандаклар қозимокдалар.

Енгинини ўчириш ҳаммаши қийин кечали. Шундай экан, уни олдин олган маъқул. Афсуски, Чеченiston ва Россия ўртасидаги келишмовчилик тинч йўл билан ҳал этилмайди. Ҳар икки томон ҳам музокаралик олиб боришга тайёр эканликларини билдирсалар-да, муҳим масалаларда келиша олмайдилар. Натигада уруш бошланб кетди. Енгинда ҳўлу-қурук барвар енади, дегандак, урушда, минг афсуски, бегуно одамлар ҳам ҳалок бўлади.

Дунё сиеасатчилари бу урушни ташвиш билан қўзғатмоқда. Воқеалар турлича талқин қилиниб, турлича фикрлар билдирилмоқда. Ҳатто бу воқеага Россиянинг ўзига ҳам турлича қарашлар мавжуд. Демократлар ва коммунистар ҳукуматдан тезла урушни тўхтатиб, келишмовчиликни музокаралик йўли билан ҳал этишни талаб қилмоқдалар.

Россия Фанлар академиясининг АКШ ва Канада институти директори Георгий Арбатов Чеченiston воқеаларини "Труд" газетасига берган интервьюсида шундай шарҳлайди:

"Чеченistonда бўлиб кетган урушни Россия сиеасатчиларининг ҳатоси деб ҳисоблайман. Ҳозирги вазиятда мен ҳеч қандай галабин қўрмайман. Агар биз урушда енгасак, демократиядан аж-раламиз ва бутун сохик Иттифок ҳамда Россиянинг қаттагина қисмида яшаётган халқлар наздида қуроллар билан тилланган империя сифатида қоламиз. Юқтасак эса, бунинг тасаввур ҳам қилиш қийин, Россиянинг парчаланиши бошланади..."

Чет эл газеталарининг ёзишича, Грознийда мураккаб вазият сакланиб турибди. Бомбардимонлар вақтида тинч аҳоли — болалар, аёллар ҳам ҳалок бўлмоқда.

Қуйи кеча Россия Федерациясининг инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича махсус вакили Сергей Ковалев ва Давлат Дуансининг бир гуруҳ вакиллари Президент Борис Елсин номига факс орқали хат жўнадилар. Унда шундай дейилди:

"...Ҳозир биз Чеченiston заминида чечен ва рус халқлари билан бирга турб ҳаво ва артиллерия ҳужумлари чоғида тинч аҳоли ҳам ҳалок бўлаётганини, турар-жой бинолари вайронга айланётганини кўриб турибмиз..."

Чечен халқи, бошқа халқлар каби, балки ўз йўлбошчиси ва идеалини таянчда адашгандир. Аммо бу ҳеч қимга улар билан бомбарлар ва ўқлар орқали гаплашиш ҳуқуқини бермайди..."

Оммавий қирғинлар йўли билан Чеченistonда Конституцион тартибни тиклаш демократия йўлига кирган Россиянинг Конституциясига солинаётган хавфдир..."

Биз Сизни, ўзингизга хос бўлган далолилик билан уруш ҳаракатларини тўхтатишга ва музокаралик бошлашга қаҳқирамиз..."

Менинча, бу қаҳқир миллионлаб халқларнинг кўнглидаги гап. Чунки ўзравонлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигига тарих гувоҳ. Чеченistonдаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистон республикаси Ташкил Ишлар Вазирлиги ҳам баёнот берди. Унда Чеченistonда бошланган уруш Россиянинг ички иш эканлиги, шу билан бирга Ўзбекистон ҳукумати барча келишмовчиликларини тинч, музокаралик йўли билан ҳал этиш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Жаҳон жамоатчилигининг фақат Чеченistonдаги вазият эмас, Россияда давом этаётган қонли жанглар ҳам ташвишга келтирди. Мил-лумки, бу ҳуңрезликларнинг олдини олиш учун Россияга БМТ қарори билан тинчлик қўшулари қиритилган эди. Сўнги пайларда серблар тинчлик қўшуларига қарши ҳам қурол ишлата бошладилар. Натигада бир неча солдат ҳалок бўлди.

Кеча Гаагада Россияга тинчлик қўшулари қиритган армиялар штабларининг бошлиқлари учрашиб, Болкондаги вазиятни таҳлил қилдилар. Кун тартибига тинчлик қўшуларини яна бир неча муддат Россияга ушлаб туриш керакми еки йўқми, деган масала қўйилган эди. Учрашувда ушлаб туриш керак деган қарорга келинди. Акс ҳолда, минглаб бегона кишиларнинг қон тўқилади.

Тинчликка, ҳамкорликка нима етсин. Кечатгина Киевдан олинган мана бу хабарга эътибор беринг: Украина осмонда янги "АН-70" транспорт самолети синовдан ўтмоқда. Шунинг қувончлики, мутахассислар томонидан XXI аср самолети деб баҳоланаётган бу ҳаво лайнери Россия, Украина ва Ўзбекистон самолётсозлари ҳамкорлигида яратилди.

Маълумки, Гарбдаги барча етакчи авиафирмалар шундай самолётлар яратиш учун "Еврофлай" консорциумини тузган эди. Ҳозирга улар бу тилдаги самолётнинг макет ва схемаларини яратибди, ҳоло, "АН-70" синовдан муваффақиятли ўтмак. Киев ва Украина авиация заводларида ишлаб чиқарила бошлайди. Республикаимиз Президенти И. Каримов Украинага қилган расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон ҳам бу ҳаво лочинини ишлаб чиқаришга тайёр эканлигини маълум қилган эди. Демак, яқин йилларда жумҳуриятимизда энг замонавий юк самолётлари ишлаб чиқарила бошланади. Тинчликка, ҳамкорликка не етсин.

Бекқул ЭТАМҚУЛОВ

25 декабр — сайловлар куни

Беш-ўн йил аввалги сайловлар ҳали одамлар хотирасидан кўтарилган эмас. "Халқ вакиллари" олинган тайерланадиган рўйхатга қўра "бир овозан" сайланарди. Ушбу расминиятчилик билан ўтадиган бундай сайловларнинг аччиқ сабоқлари шундоқ кўз ўнгимизда турибди.

ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ВАКИЛИ

Истиклол туфайли ҳақиқий демократик сайловларни рўёбга чиқаришга муваффақ бўлдик. Халқнинг, ҳар бир фуқаронинг сайлаш ва сайланишга доир ҳақ-ҳуқуқлари чин маънода амалга ошмоқда. Халқ, аввало, сайловларнинг тўб моҳиятини англаб олиши шарт. Ана шунда кимга ва нима мақсадда овоз бераётганимизни тушунади. Биз ҳақиқий халқ ҳокимияти таъминланган ҳуқуқий давлат барпо қилишмоқчимиз. Шу йўлда олий ҳокимият органини тузаямиз. Бу ҳокимият эртанги кундан бошлаб сиз билан биз, болаларимиз яшаб турган мамлакат, вилоят, туман, маҳалла ва ҳар биримизнинг тақдиримизни ҳал қилади.

Бизнинг ҳуқуқларимиз қай даражада рўёбга чиқиб кўп жиҳатдан шу ҳокимиятга боғлиқ. Бу ҳокимият эса индинга бўладиган сайловда ишонч ваколатини олган ноиблардан иборат бўлади. Демак, ҳар бир фуқаро чуқур англаб олмоғи

берадиган одам ноиб бўлиш сингари фикрларни илгари сурди.

Мен эса депутат, аввало, адолат сўзининг мағзини қака билган ва шу йўлда ўзини бағишлай оладиган киши бўлиши керак, деган фикрдаман. Чунки одамлар ҳамма вақт адолатга ташна бўлган. Одилик — адолат дегани. Депутатлардан иборат парламент эса халқ иродаси мужассам бўлган қонунлар қабул қилади. Бу қонунлар жамиятнинг ҳамма тарафини тўлиқ қамраб олади. Ҳуқуқий давлат қарор топади. Демак, адолатли ноибларга овоз беришимиз керак.

Ҳўш, адолатли киши ким? Адолатли инсон яхши, ҳалол ва меҳнат-қаш бўлиш билан, кифолянмайди. Чунки адолатли кишида бу хислатларнинг бўлиши табиий. Адолатли бўлиш учун билим, фикрлаш, тафаккур ва мулоҳазага қобилият ҳам талаб қилинади. Адолатли киши инсон ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши керак. Маданиятли, ўтиш ва келажакни тўғри тасаввур қила оладиган зийрак одам бўлмоғи лозим. Халқ аъёнаналари, урф-одатлари, характерини тушуниган кишида яхши фазилатлар мужассам бўлади.

Давоми 7 бетда

МУКОФОТ МУБОРАК

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги томонидан Мукаррам Турғунбоева номидаги махсус мукофот таъсис этилган эди. Мукофотга илк бор М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат рақс ансамбли сазовор бўлганди. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги 1994 йилги мукофотнинг қуйидаги рақс санъати усталарига беришга қарор қилди.

Биринчи даражали мукофот юксак ижрочилик санъати учун М.

Қориеқубов номидаги ўзбек давлат ўзбекистон хореография билим юртининг ўқитувчиси, халқ артисти Қўдуз МИРКАРИМОВАга, илмий тадқиқот ишлари учун Розия КАРИМОВАга ва туркум рақслари учун Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси қошидаги "Тановар" рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Юлдуз ИСМАТОВАга берилди.

Мукофотланганларнинг кўпчилигини муштарийлар номидан таърифлаймиз.

Учинчи даражали мукофотлар

БУЮК АДИБГА БА ҒИШЛАНДИ

Бу йил буюк француз адиби ва файласуфи, қомусчи олим Франсуа Волтер (1694 — 1778) таваллуд топганига 300 йил тўлди. Бу сана нафақат унинг ватани Францияда, балки бутун жаҳонда ҳам кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан қўни кеча Тошкент Давлат университети-нинг Маданият саройида Волтер хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада Франция

Республикасининг Бошқарув олийгоҳининг малака оширувчиси Пасал Буссиер Волтернинг фалсафий қарашлари ва унинг француз жамияти тарихида тутган ўрни ҳақида маъруза қилди.

Шундан сўнг Тошкент Давлат университети ва Жаҳон тиллари университети талабалари Волтер асарларидан парчалар ўқиб, саҳналар ижро этишди.

Париждаги Миллий Д. ДАВЛАТОВА



Актрисалар — Римма Ахмедова, Рихси Иброхимова, Тўти Юсупова. 1970 йиллар

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ

Йўлдош Оқунбоев номидаги республика Еш томошабинлар театрида Ўзбекистон халқ артисти, халқ маорифи аълочиси Манзура Ҳамидованинг 80 йиллик тўйларига бағишланган кеча ўтказилди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ўринбосари Теша Мўминов, халқ

артисти Бернора Қориева, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри директори, халқ артисти Еқуб Ахмедов ва Ўзбекистон хотин-қизлар ўқув ташкилотининг раисаси Дилбар

Гуломова сўзга чиқиб, актрисанинг табарруқ еши билан муборакбод этдилар.

Шунингдек, республикамизнинг турли театрларидан келган актёрлар ўз чиқишлари билан онахонни,

саминий қўшдилар. Кеча давомида Ўзбекистон халқ артистлари Саодат Қобулова, Гуломжон Еқубов ижросида қўшиқлар янради.

Еш томошабинлар театри актёрлари Манзура Ҳамидованинг 80 йиллик ижодий фаолиятини давомида яратган турли спектаклларидан қўриқилар намойиш этдилар.

БМТ ВА ОРОЛ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасининг вакили жаноб Холид Малликнинг ижодкорлиги, олимлар ва сув ҳўжадани мутахассислари билан учрашуви БМТнинг Орол муаммоларини ҳал этишдаги ишчи тоқна насылаларига бағишланди. Жаноб Холид Маллик ижодкорлар қўшурида БМТнинг Орол муаммосини бартараф этиш учун зарур дастурлар ишлаб чиқишда кўмаклашиши юзасидан қўраётган тадбирлари хусусида сўзлади. У айна пайтда, ҳозир бутун жаҳонда, хусусан сув муаммоси кескинлашган минтақаларда сувдан қандай фойдаланиш масаласи, экологик оғтиги тарбиялаш ва шақллантириш неоглик долзарб муаммога айланганлигига тўхтади. Винобарин, халқро ҳамжамиятларини барча муаммолар ечимини топиб берадиган бирдан бир таш илот сифатида талқин этиш билан иш битмаслигини, олимлар ўз қуч арига таяниб иш қўришлари, муаммолар ечимини ўз қўшларидан эканлигини тушуниб етишлари зарурлигини ҳам таъкидлади.

Учрашувда Орол муаммолари бўйича давлатларро кенгаш раисининг ўринбосари Ю. Бюко БМТ ташаббуси билан жаҳон банки ажратган маблағлардан Орол муаммосига доир қайси мақсадларда фойдаланиш кўзда тутилётганини ҳақида фикр юртиди. Минтақада сувдан тежаб-тереб фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Оролбўйи республикаларидаги гидрометеорология хизматларини зарур ўлчов ускуналари, мониторингини ўрганиши асбоб-ускуналари билан таъминлаш, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш эканлигини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда таъкид қилиндики, Орол денгизини ҳайвонот ва ўсимлик олами яшашини учун қўлай шароитлар вужудга келтириш мумкин бўлган қирғайган ҳолатида саклаб қолишга оид ўз тақдирларини асослаб берди. Ўзбекистон халқ езувчилари Ҳамид Гулом, Шукрулло, адабетишунос Аҳмад Алиев, Бобоқон Шарипов, мутахассислар Б. Бахриддинов, Р. Иброхимов, Валиев ва бошқалар муътабар халқро ташкилотларининг Орол денгизини саклаб қолиш ва унинг атрофидagi экологик вазият-ни соғломлаштириш юзасидан жошқуялиги учун ўз миннатдорчиликларини ҳамда бу ишлар беражак нақд самараларга юксак ишончларини ифода қилдилар.

Мулоқотида Ўзбекистон Оролин асраш жамоатчилиги қўмитасининг раиси Пирмат Шермухамедов олиб борди.



ДОНИШМАНДЛИГУ ГАЙРАТ КЕРАК

Мустақил Ўзбекистонимиз ўз тарихида муҳим ҳолида арафасида турибди. Биринчи марта кўппартиявийлик асосида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи парламенти — Олий Мажлис сайланади. Ўзбекистонликлар сайлов варақалари билан бирга сайлов кутубхоналари ўзларининг катта умидлари, тилаклари, озуларини ҳам қўшиб ташлашди. Ҳозир халқ, энг муҳими, ўша ниятларини амалга оширадиган фарзандларини танлаш ҳуқуқига ва имкониятига эга.



Мен янги сайланган парламентнинг биринчи вазифаси мустақил Ўзбекистонимизнинг жадал тақомили, дунё сахнасида юз кўрсатиши, халқнинг тинч, фаровон, эркин ҳаёт кечираши учун қонуний асос яратиб беришдан иборат деб билaman. Ўзбекистон ўзининг ҳар жиҳатдан мукамал Конституциясига эга. Бу яратилган қонуларга мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Собих Совет Иттифокида вужудга келган мустақил жумҳуриятларнинг тажрибалари шуни

кўрсатадики, жамиятнинг бирлиги, аҳиллиги, ҳамкорлигини таъминлаш, парламентнинг ҳукумат билан қўлини-қўлига бериб ишлаши мамлакат тараққиёти учун энг муҳим ва зарур асосдир. Халқимиз бой тарихга, юксак маънавий қадриятларга эга. Бизнинг юртимизда буюк уламолар қаторида жаҳон ҳуқуқ илмига улкан хисса қўшган забардаст олимлар ўтган. Бурхониддин Марғиёнийнинг "Ҳидоиа" асари неча юз йиллар давомида шарҳ олами фикр илмининг асоси бўлиб хизмат қилган. Сайланадиган Олий Мажлиснинг илмий хазинасида замонавий демократик қонунийлик манбалари билан бирга ота-боболаримиз учун табаркук бўлган қонун-қоғдавлар, маънавий қадриятлар тизими ҳам мавжудки, сайланажак ноибларимиз улардан кенг истеъфода қилиш имкониятига эгадирлар.

Ҳаётнинг ёзилган ва ёзилмаган қонунари бор. Халқимизда инсоф, динанат, меҳр-шарфат сингари инсоний фазилатлар ҳамisha юксак қадрланган. Орзу қилманки, буюк давлат асосини қураётган халқимиз шу тупроқда яшаб ўтган аждодларнинг кўнгил мулки бўлган қадриятларни кўз қорачигидек асрайдилар ва келажак авлодга етказиб берадилар.

Бу қултур хизматининг катта қисми сайланажак парламентимиз зиммасига тушади. Эл танлаган ноибларимизга толмас куч-қудрат, фидойилик, донишмандлигу гайрат тилайман.

Эркин ВОҲИДОВ

МЕН САЙЛОВЧИ БЎЛСАМ...

Мен танқили шойримиз, "Ўзбекистон овози" газетасининг бош муҳаррири Азим Сулеймон Олий Мажлиснинг депутатлигига номзоди кўрсатилганини эшитиб чини юракдан қувондим. Азим Сулеймон шойр сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ва ниҳоят арбоб сифатида ҳам, меннинг кўз олдимада шаклланиб келган омамон. Овлок Нурота тоғларида туғилди, сойларига чўмилиб, қирларига қўй боқиб, бугдой ўриб, машок териб воғта етган бу оқ кўнгил содан йигит катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Қишлоқ мактабин тугатгандан кейин, олий таълим олишдан аввал армия сафида бўлиб, аскарлик хизматининг ҳамма машаққатларини бошдан кечириб, роса пишиб, тобланиб қайтди. Шундан кейингида университет сабоқларини ўтади.



Шойр сифатида Азим Сулеймон илк шеърлари билан катта омамон назарига тушиб, унинг олқишига сазовор бўлди. Азим Сулеймоннинг биринчи шеърларидек ҳаёт нафаси фўриб туради. Азим Сулеймон ўзи туғилиб ўсган тоғлари, чўмилган сойлари, ҳовучлаб сув ичган буёқлари, пок, халол қишлоқ-содалик чўнолар, мард, танги йилқичлари, моҳир мерганлар, осмонлар чўққиларига ўша қўйган бургулар ҳақида эзди. Етганда ҳам севиб эзди, фарзанглик меҳри билан эзди, кечис эҳтироси ва ҳажвон билан эзди. Қарабсинки, тез орда эл озғина тушди. Кини киши билан тиллашганда, ҳар қуни мулоқотда бўлганидагина уни яхши билди. Биз Азим Сулеймон 1987—1991 йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бирла ишлаганимиз. У уюшмада бир вақтинг ўзида маслаҳатчи ҳам ешлар билан ишлаш комиссиясининг котиби вазифаларини бажарди. Уша пайтлари ўзи нисбатан еш шойр Азим Сулеймон ешларига ниҳоятда рағуру ва талабчан мураббий сифатида танилди. Еш иждоқларининг кўп китобларига муҳаррирлик қилди. Ешларнинг катта чиқилари, мушоиралари, семинарларини ташкил қилишда фаол иштирок этди. Оқибатда ўзи ҳам иждоқор сифатида ўси, улғайди. У ешларга ҳам сабоқ берди, ҳам улардан сабоқ олди.

Одил ЕҚУБОВ

Зотан, ҳақиқий истеъод шундай бўлади. Мана бир неча йилдики, Азим Сулеймон республикамизнинг отахон насларидан бири — "Ўзбекистон овози" газетасига раҳнамоллик қилайти. Билмадим неса, эҳтимол бу масул лавозимга бирдан кўтарилгани учун дри кўларимиз, бу катта мураккаб ишни шойримиз эшлар кетармикин, деган фикрга ҳам борган эдик. Лекин тез орада бизнинг бу шубҳаларимиз нўрири эҳанглигига амин бўлдики. Газета саҳифаларидан долзарб ўтқир, энг муҳими — ҳаётий материаллар кўпайди. Муҳаррир сифатида Азим Сулеймон бугунги куннинг энг муҳим ва мураккаб муаммоларини кўтариб чиқилдан чўнмайди, йирик зарурий масалалардан ўзини олиб қочмайди. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган кўп материаллар шундай кўрсатдики, Азим Сулеймон республикамизнинг барча вилоят ва туманларда бўлиб, эл орасида кўп юради. Кошки энг депутатликка номзодлар шундай кўп ҳаётий тажрибага эга бўлса, ўз Ватани, ўз элига шундай садоқат билан хизмат қилишга тайёр турса. Шахсан мен Азим Сулеймон номзоди кўрсатилган оқрудан сайловчи бўлсам албатта унга овоз берадирим.

ФИДОЙИЛИККА САДОҚАТ

Йиллар, умрлар оқар сувдек ўтаверади. Ҳаёт шиддатига, даярлар силсиласига эса фақат иродали, кўркмас ва курашувчан юракларига дош бера олади, холос. Бу қонуний эр юзига ҳаёт уруғлари сечилган даврдан бошлаб яшаб келимоқда. Зеро, сўнгги лаҳзаларга ўз орузи учун курашган инсон голибдир.



Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамилова ҳам ҳаёт мазмунини курашларда, синовларда деб билувчи инсонлардан. Актриса Тошкентда туғилди, камол топди. Дастлаб Ўзбек хореография билим юртини муваффақиятли тамомлаб, "Баҳодр" ракс ансамблида рақоса сифатида ўз фаолиятини бошлади. 1968 йили эса Маннон Уйгур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг театр ва кино актёрлари тайёрлаш факултетини тугатди.

мани асосида суратга олинган бадиий филмда Гулчехра Жамилова яратган Қумушбиди образи аввало томошабинлар, сўнгра даярлар синовидан ўтди, десак янглишмаймиз. Актриса ўз касбин юксак меҳр билан севади, ўз халқи дарди ва қувончларига шерик бўлишда ҳам ана шу меҳр тафти севилиб туради.

Юксак иқтидор эгаси, табиатан самимий, камтарин инсон, Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамилова 23-Октябр сайлов оқругидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирнинг "Ўтган кунлар" ро-

Адиба ҲАМРО ҚИЗИ

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ ЖОНКУЯРИ

Ўзбек маданияти ва санъати ривожига Зокировлар сулоласининг хизматлари юксак. Ўзбекистон халқ артисти Қарим Зокиров ижро этган классик ашуларлар, опера кўшиқлари ҳамон юракларини титроққа солади. Ўзбек эстрадасига асос солган ва уни жаҳон сахнасига олиб чиққан машҳур санъаткор Ботир Зокиров ҳам ана шу сулоланин эркин қўлдуларидан эди. Отаси ва акаси бошлаб кетган ўзига хос тафти йўлини ва миллий эстрада анъаналарини далил давом эттираётган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, республика Давлат мукофоти лауреати Фаррух Зокировнинг номи нафақат юртимизда балки жаҳонда ҳам машҳур. У бадиий раҳбарлик қилаётган хизмат қураётган Давлат "Яшлар" ансамбли даярли эр шарининг барча мамлакатларида бўлиб, Ўзбек эстрадаси долруғини маҳорат билан еийб келаяпти. Шунингдек, у турли халқро ва республикамизда бўлаётган кўрик-танловларда хайрат аъвоси сифатида катнашиб, еш истеъодларини сахналарга олиб чиқилда яқиндан кўзга беришти. Айни пайтда Фаррух Зокиров лойтахтимиздаги мухташам "Туркистон" саройи бош директори вазифасида қилган хизмат кўрсатапти. Фаррух Қаримович Зокировнинг Тошкент шаҳар 23-Октябр сайлов оқругидан республика Олий Мажлисига депутатликка номзод этиб рўйхат олинганлигидан мухлислари қаторида биз ҳам



хурсанд бўлди. Чунки бўлажак Олий Мажлис парламентида ана шундай фидойий санъаткорлар бўлишини истаймиз. Фаррух ака жуда камтарин, билимдон инсон. Лекин билимдонлигини ҳамма жойда ҳам пеш қилавермайди. Халлоллик ва тўғрилиқ ҳаётининг асосий мазмунига айланган. Миллий маданият ва санъатини ривож учун жон қўйдиради. Айниқса, келажак авлод тарбияси уни кўпроқ ташвишга солади.

Ашуралн ЖўРАЕВ

ХАЛҚПАРВАР МУАРРИХ

Бўрибой Аҳмедов — ўзининг заҳматқашлиги, халқпарварлиги, камтарлиги ва бошқа қатор фазилатлари билан эл-юрт ардоғига сазовор бўлган олимдир. Хусусан, унинг умрлик севаги иши — тарихнавислик ва манбаъшуносликка садоқати, халқимизнинг шонли ўтмишини ҳалол ериштиришга умумий хизматлари бутун дунё илмий жамоатчилиги, мамлакатимиз ва чет эл тарихчилари томонидан эътироф қилинган. Шунинг учун ҳам, устоз Бўрибой Аҳмедовнинг номи республика Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилгани халқимизнинг шу жумладан, илм аҳлини қувонтириб юрди.

Мана шу ўринда мен мухтарам олимимизнинг илм-фан ривожига қўшган хиссаси, айниқса, тарихнавислик соҳасидаги тадқиқотлари ҳақида таърир ўтишни истайдим. Ҳозирча Ўзбек, рус, инглиз, пашто (афғон) ва бошқа тилларда унинг 350 дан зиёд китоблари, илмий мақолалари, рисоалари чоп этилган бўлиб, булар марказий Осиё халқларининг Х-ХХ асарларига тарихини ўрганишда жуда муҳим тадқиқотлардир. Хусусан, Ўзбек халқининг келиб чиқиши, Темур ва теурийлар даяри тарихига бағишланган китоблари "Ўзбек улуси", "Ўзбекистон тарихи манбалари", "Амир Темур давлати", "Назрий замондошлари хотирасида", "Ўзбек халқининг келиб чиқиши", "Мирзо Улуғбек" каби тадқиқот, "Ўзбек бади-романлари жаҳон илм-фанига кенг истеъфода қилинаётган, замонар ўтиши билан ҳам эскирмайдиган асарлардир. Яқинда эса "Амир Темур" номи катта ҳажмдаги ҳужжатли романини езиб нашар этган топширди. Устознинг жуда кўплаб шойирлари танилиб тарихшунос, элшўнос олимлар бўлиб етишилди, улар Ўзбекистон, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тоғжикистон, Туркменистон, шунингдек, АКШ, Афғонистон ва Ҳиндистон сингари мамлакатларда фаолият кўрсатмоқдалар. Олим ва адиб Бўрибой Аҳмедов 46-Қўрғонтепа сайлов оқругидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Умид қиламики, андиқонликлар дунё таъини ардоқли инсонга овоз бериб, ўзларининг илм-фанга, тарихнависликка, бобларимиз руҳига садоқатларини яна бир бор намоий қилдилар.



Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон Фанлар Академияси вице президенти

ЮРТНИ ЭЪЗОЗЛАШГА ҚОДИР

Баҳодр Йўлдошевни халқимиз анча яхши билди. Унинг театр ва кино соҳасидаги ишлари фақат Ўзбекистоннинг ен-веридики мамлакатларда эмас, дуненинг узок худудлари ҳам маълум. У ҳақида, унинг сарлаҳлаштирган асарлари тўғрисида Франция, Англия, АКШ, Германия, Россия матбуотида мақолалар езилган, баҳслар бўлган. Бу билан ҳар биримиз фخرланишимиз лозим деб айтам, хато қилмайман.

Баҳодр Йўлдошевнинг "Майсараннинг иши", "Келнларнинг қўзғолони", "Ноҳира", "Искандар" каби етук саҳна қанфиетлари, бадиий филмларда яратган (айниқса, "Оловли йўллар"даги Олчинок каби) киёфалари томошабин юрагини ҳаяжонга солган, хотирасида муҳрланган.

Хуршид ДАВРОН

ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Ватан киндик қонинг тўкилган ердан бошланади, дейишади. Қаерда бўлма, қандай вазифада хизмат қилма, барибир, тугилган гўшанг, содда, самимий, бегараз ҳақиқатларнинг юрагининг тўридан жой олади, улар олдидики қарз ҳеч қачон ҳаёлдан чиқмайди. Булунгур ва булунгурликлар менга шу босилдан ҳам қадри ва азиздир.




Анвар ЖўРАБОВЕВ

Мана, Булунгурдан чиқиб кетганимга ҳам анча йиллар бўлди ва мен тез-тез ўйлайман: кўш, ўқидим, изландим, ездим-чиқдим. Бироқ тугилган юртим, юртдошларимнинг бирор-бир оғирини енги қила олдимми?

иждои даргаларидан бири, машҳур баҳши Фозил Йўлдош ўгли шу юртининг фарзанди. Хўш, бугунги кунда бу туманда маданият-маърифий ишлар, кутубхоналар — қай аҳволда, халқ ансамблилари кўмакка муҳтож эмасми? Мен сайловчилар билан бўлган учрашувлар жараянида шу қайи муаммоларга ҳам кизикиб, Булунгурнинг кўп жойларидан қай аҳволда, Ва ен дафтаримга қилиниши зарур бўлган ишларни белгилаб олдим.

ҚИРҚ ЙИЛДА БИР ЙИГИТ КЕЛАР ДУНЁГА...

Муҳаммад Юсуфни билмайдиган, ҳеч бўлмаса қўшигини эшитмаган Ўзбек топилмаса керак. Элимизнинг ўзидек содда, самимий ва айни пайтда гўзал шеърлар муаллифини дийримизнинг ҳамма жойида севишади, ардоқлашади. Муҳаммад Юсуфдек халқ ичига кириб борган, халқ дарду қувончларига ошно шойр нақирон авлод иждоқорлари орасида кам.



Муҳаммад ака ҳар қандай қаламдан ҳавас қилса ариндиган рекорд ўрнатган: унинг ўндан ортиқ китоби ҳозиргача салкам икки милён нусxada чоп этилди!

Йигит чақириб ҳам оломайди. Шойрларга шу томонидан мазат! Қирқ йилда бир йигит келар дунёга, дейдилар. Севимли шойримиз бугун роса қирчиллама йигит бўлиб, эл хизматига камар боғлаб турибди. Бу вазифани ҳам ўринлатиб қўйишга ҳеч бир шубҳамиз йўқ. Чунки турғунлик йиллари деб аталган кезларда ҳам Муҳаммад Юсуф Оқибатни, Меҳр ва Муҳаббатни, Она-тупроқни, Аждодларимизни қуйлаб, бизни сергак тортирди. Афғон уруши, қатағон қўрбонлари ҳақида шеър айтиб, гуруримизни туртди — уйғотмоқчи бўлди. Хуллас, Муҳаммад Юсуф Ўзбекининг ўз шойри сифатида ўзбекларни химоя қилди. Бузкан ортиқ ана нима керак?

Иқбол МИРЗО

КЕЛАЖАКНИ БУГУНДАН ҚўРАЯПМАН


Шу кунларда Ватанимизда тарихий воқеалар юз бермоқда. Биринчи маротаба кўп партиявийлик асосида демократик сайловлар ўтказилаяпти. Бу — мустақиллигимиз шарофати, янги бунёд этилган давлатимиз Конституцияси шарофати, хурматли Президентимиз олиб бораётган адалотли сиесат ва ислохотлар шарофатидир. Мен 47-Сулонобод сайлов оқругидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганман. Шунга кўра, мамлакатимиз миқёсида қабул қилинадиган қонун ва ҳужжатларни шу оқруг худудидики Хонобод, Дароқ, Сулонобод қишлоқлари, Қорасу ва Хонобод шаҳарлари тилмолида таҳлил қилиб, шахсий дастуримни "Ватан тараққиёти" партияси дастурлари асосида тузишга ҳаракат қилдим.

Моддий ердан ва маънавий мададга муҳтож вақилларини қўллаб-қувватлаш нафақат давлатнинг, балки барча инсонларнинг қонуний бурчи қилиб белгилангани даркор. Бундан ўн йиллар муқаддам Хонобод шаҳри бунёдкорларидан бири Солиҳон Меҳмонов билан бирга шаҳарнинг ривожланиш истиқболлари, алоҳида иқтисодий районлар, манфаатли туризм ҳақида орзу қилган эдик. Эндиликлар мана шу орзуларимиз рўёбга чиқини учун имкониятлар пайдо бўлаётганидан хурсандим. Шундай орзуларимизнинг бири экин келажакда бунёд этилгандаги Тошкент-Фарғона тоғ йўли қурилишида "Наврўз" хайрия жамғармасининг иштирок қилишидир. Бу йўл — истиқбол йўли бўлади, манзилларни икки баробар яқинлаштиради, ватанимиз тараққиётини тезлаштиради.

Далахон ЕҚУБОВ

"МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКISTONНИ"

Болалигим Бўқада — эл ризқи йўлида артаёт кеч тер тўкиб, берганин ҳеч қачон миннат қилмайдиган, юртининг чинакам фидойисин бўлган меҳнатсевар, соддалик қишлоқ ахли орасида ўтди. Ешлик, йигитлик даярим шунда кечди. Янгилликка ўч, жасоратга шай талаблар ҳаёти, ҳар бир тилдам ноини ҳаллолдек еишдан хузурланишга ўрганиб кетган оддий илмчи-хизматчиларнинг турмуш тарзи, кашфиётига ташвиш, сабот ва халқпарварлик рамзини айланган эндиликларнинг дил тугенлари менга жуда таниш. Улар аллақачон ҳаётимнинг ажрасиз бир бўлагига айланган. Уларнинг энг эзгу орзу-хастларидан тортиб, кундалик рўзгор ташвишларига гўё доимо ҳампафасдекман. Ва уларнинг сафида бўлганим билан фахрланаман.



Ижодимда ҳам ана шу сезилганга танииб иш қўраман. Бир умр бўлса-да, уларнинг қалбига хузур-халоват олиб киришга, заҳматқаш юртдошларимнинг дарду севаинга шерик бўлишга интиланман. Узини басталган "Ўзбекистон муштарак", "Азиз одамлар", "Аралима", "Юрт қадри", "Валди", "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" сингари кўшиқлар ҳақида мухлислар айтган илмий сўзларни эшитганимда, дил изхори билган халқларни ўқинганимда, сукули халқимга оқ бўлса-да хизмат қила олганимдан ниҳоятда қувониб кетаман. Айниқса, Мустақиллик байрамлари, Наврўз халқ сайиларида, бошқа бир қатор омавий тадбирларни ўтказишга мушқий раҳбарлик менга топиштирилган, эл-юртининг юксак ишончига сазовор бўлганимдан кечис фخرланим. Бу байрамларда овоз жумҳуриятимизнинг ҳар бир фўқароси билан бир даврда қувлаб тегарақлик сездим ўзимни.

Анор НАЗАРОВ